



SPECIFIC FEATURES OF THE TRANSFORMATION OF RESPONSIBILITY AND ACTIVE CIVIC POSITION IN SOCIETY'S SOCIAL CONSCIOUSNESS

Surayyo Aslamovna Berdikulova

Associate Professor

National University of Uzbekistan

s.berdikulova@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: social consciousness, civic position, responsibility, civil society, social activity, conscious participation, democratic values, social thinking, information space, societal transformation.

Received: 10.07.25

Accepted: 11.07.25

Published: 12.07.25

Abstract: This article analyzes the ongoing changes in the social consciousness of citizens in modern society, particularly the formation and development of a sense of responsibility and active civic position, as well as the factors influencing this process. The study also provides a theoretical grounding for the dynamic nature of social consciousness, the role of mass media and digital technologies in this transformation, and the importance of an active civic stance in the formation of civil society.

ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ ОНГИДА МАСЪУЛИЯТ ВА ФАОЛ ФУҚАРОЛИК ПОЗИЦИЯСИ ЎЗГАРИШИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Сурайё Асламовна Бердикулова

Доцент

Ўзбекистон Миллий университети

s.berdikulova@gmail.com

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Ижтимоий онг, фуқаролик позицияси, масъулият, фуқаролик жамияти, ижтимоий фаоллик, онгли иштирок, демократик кадриятлар, ижтимоий тафаккур, ахборот макони, жамият трансформацияси.

Аннотация: Мазкур мақолада замонавий жамиятда фуқароларнинг ижтимоий онгида рўй бераётган ўзгаришлар, хусусан, масъулият ҳисси ва фаол фуқаролик позициясининг шаклланиши, ривожланиши ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлил қилинган. Шунингдек, ижтимоий онгнинг динамик табиати, оммавий ахборот воситалари ва рақамли технологияларнинг бу жараёндаги

ўрни ҳамда фуқаролик жамиятининг шаклланишида фаол позициянинг аҳамияти илмий-назарий жиҳатдан асослаб берилган.

ОСОБЕННОСТИ ИЗМЕНЕНИЯ ЧУВСТВА ОТВЕТСТВЕННОСТИ И АКТИВНОЙ ГРАЖДАНСКОЙ ПОЗИЦИИ В СОЦИАЛЬНОМ СОЗНАНИИ ОБЩЕСТВА

Сурайё Асламовна Бердикулова

Доцент

Национальный университет Узбекистана

s.berdikulova@gmail.com

Тошкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: социальное сознание, гражданская позиция, ответственность, гражданское общество, социальная активность, осознанное участие, демократические ценности, социальное мышление, информационное пространство, трансформация общества.	Аннотация: В данной статье анализируются изменения, происходящие в социальном сознании граждан в современном обществе, в частности, формирование и развитие чувства ответственности и активной гражданской позиции, а также факторы, влияющие на этот процесс. Кроме того, научно обоснована динамичная природа социального сознания, роль средств массовой информации и цифровых технологий в данном процессе, а также значение активной позиции в формировании гражданского общества.
--	--

Кириш

Бугунги глобаллашув шароитида жамият ҳаётининг барча соҳаларида кескин ўзгаришлар содир бўлаётгани ижтимоий онг, фуқаролик позицияси ва масъулият туйғусининг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Демократик қадриятлар, инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва ижтимоий адолат каби тамойиллар асосида ривожланаётган фуқаролик жамиятида ҳар бир шахсининг фаол иштироки ва ижтимоий масъулияти муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, ахборот-коммуникация технологиялари ривожланиши фонида фуқароларнинг онгли қарор қабул қилишга, ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этишга бўлган эҳтиёжи ортиб бормоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев фуқаролик масъулиятини жамият тараққиётининг асосий устуни сифатида таъкидлаган эди, яъни “Фуқаролик жамиятини ривожлантириш – бу аввало фуқаронинг онгини уйғотиш, уни фаол ва масъул субъектга айлантириш демакдир”[1]. Ушбу ёндашувда давлат томонидан инсон манфаатлари олий қадрият сифатида белгиланган бўлса, инсон томонидан – жамият олдидаги бурчни англаш ва унга жавобгарликни қабул қилиш руҳи шакллантирилмоқда.

Асосий қисм

Янги Ўзбекистонда жамият онгидаги қадриятлар иерархияси инсон қадри, масъулият, фаол фуқаролик, тафаккур эркинлиги, бурч ва жавобгарлик, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг уйғунлигига асосланади. Бу иерархиянинг янгиланиши – шахснинг фақат ўз ҳаёти учун эмас, балки жамият тақдири учун ҳам масъул субъект сифатида юксалишининг фалсафий ифодасидир.

Онг ва масъулиятнинг экзистенциал ёндашуви кўрсатадики, экзистенциал фалсафа вакиллари (Сартр, Ясперс, Хайдеггер) инсоннинг эркинлиги ва шу билан боғлиқ масъулиятини фалсафий марказга қўяди. Улар фикрига кўра, “Инсон эркинликка маҳкум. У танлов қилади ва ҳар бир танлов учун масъулдир”[2]. Бу жараённинг Ўзбекистондаги ифодаси шуни кўрсатадики, фуқаро ўз танлови – сайловда қатнашиши, давлат қарорларига муносабати, жамоат ишларидаги иштироки орқали жамиятда ўз масъулиятини англаб ета бошлади. Бунда масъулият фақат шахсий эмас, балки умумий ижтимоий барқарорлик учун ҳисса сифатида англанади.

Гегельнинг Руҳ фалсафасида инсоннинг юксалиши – ўз онги орқали воқеликни англаш ва у орқали ўзининг жамиятдаги ўрнини билиш билан боғлиқ. Унда жамиятнинг маънавий юксалиши шуур ва масъулият бирлигидан келиб чиқади. “Эркинлик – фақат хоҳиш эмас, балки ақлга асосланган фаолиятдир”[3]. Бунинг Янги Ўзбекистон мисоли ОАВ, таълим, сиёсий маданият, электрон ҳукумат каби воситалар орқали фуқаролар ўз онгида “мен жамиятда масъулман” деган ғояни англаб ета бошлади. Бу онг фақат ҳуқуқ эмас, балки бурч тушунчасини ҳам мустаҳкамлайди.

Фуқаролик онги – ижтимоий шартнома фалсафаси нуқтаи назаридан таҳлил қилинганида Жан-Жак Руссо ва Жон Локк каби мутафаккирлар ижтимоий шартнома назарияси орқали жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларни тушунтиришган. Бу назарияга кўра, “Давлат – бу фуқаролар ўзаро келишув асосида ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун вужудга келтирадиган ташкилот”[4]. Ислохотларнинг шаффофлиги ва халқ билан мулоқотга асосланган сиёсат (масалан, “Очиқ бюджет”, “Менинг фикрим”, “Ёшлар парламенти” каби платформалар) орқали давлат ва фуқаро ўртасидаги муносабатларнинг янги, тенг ҳуқуқли шакли юзага келмоқда. Бу жараён фуқароларда фаол иштирок ва масъулият туйғусини ривожлантиради.

Маълумотни қабул қилиш, уни таҳлил қилиш ва унга фаол муносабат билдириш ҳам фуқаролик масъулиятининг бир қисми ҳисобланади. Мишель Фуко таъкидлаганидек: “Билим – бу кучдир, аммо ҳар қандай билим ахлоқий масъулият билан бирга келади”[5]. Янги Ўзбекистон шароитида фуқаролар ахборотни тўғри таҳлил қилиш, танқидий

фикрлаш, конструктив муносабат билдириш (масалан, жамоатчилик муҳокамалари, петициялар, онлайн сўровлар) орқали ижтимоий онгни масъулиятли ва фаол шаклга олиб келмоқда.

Янги Ўзбекистонда давлат сиёсати инсон манфаатларини олий қадрият сифатида белгилади. Президент Ш.М. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда инсон қадрини, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини юксак қадрият сифатида белгилаб олдик”[6]. Бу қараш жамият онгидаги иерархияда қуйидаги ўзгаришларни англатади:

Аввалги даврда	Янги иерархияда
Идоравий манфаатлар, шахсий эҳтиёж	Инсон қадри, жамоат манфаати
Бефарқлик, сустлик	Масъулиятли иштирок, фаол фуқаролик
Қўрқув, итоаткорлик	Танқидий фикрлаш, эркин фикр билдириш
Маънавий секинлик	Ақлий тезкорлик ва ахборотли фаоллик

Бу жараён фалсафий нуқтаи назардан онтологик юксалиш – яъни инсон табиати ва жамият муносабатларида янги маънавий пойдевор яратилиши деб қаралади.

Янги Ўзбекистонда фуқаролик бурчи ва маънавий юксалишнинг янги модели шаклланимоқда. Гегельнинг таълимотида “абсолют рух”нинг ривожланиши орқали инсон маънавий онг даражасидан фаол ижтимоий субъектга айланади: “Рух ўзини фақат жамият орқали англайди. Унинг эркинлиги жамият бурчига хизмат қилиш орқали юксалади.”[7] Янги Ўзбекистондаги ислохотлар ҳам, айниқса, “Фуқаролик жамияти”, “Очиқлик сиёсат”, “Менинг фикрим”, “Жамият ислохотлар ташаббускори” каби ташаббуслар айнан рухий юксалиш ва фаол онгнинг ифодасидир. Инсон ўзини давлат сиёсатида субъект сифатида кўра бошлайди ва бу қадриятлар иерархиясининг юксалишини англатади.

Бу жараёнда қадриятларнинг ахлоқий қайта тартибланиши кечади ва бу жараёнга экзистенциал қараш мумкин. Жан-Пол Сартр фалсафасида шахс ўз танлови ва ҳаракати билан қадриятларни қайта белгилайди: “Инсон ўзи учун танлаган қадриятлар орқали жамиятнинг ҳам келажагини танлайди”[8]. Бу қараш фуқароларнинг сайловда, ижтимоий ташаббусларда, жамоат муҳокамаларида фаол иштирок этиши орқали онг ўзгаришлари юз бераётганини кўрсатади. Бунда масъулият ва адолат – янги иерархиянинг марказий нуқтасига айланмоқда.

Шу ўринда Янги Ўзбекистонда фуқаролик онгининг шаклланиши жараёнлари, фуқаролик онгининг замонавий жамиятдаги ўрни, янги ижтимоий реалликда унинг фалсафий асослари, шаклланиш механизмлари ва ривожланиш йўналишларини таҳлил

килиш жоиз. Фуқаролик онги – жамият аъзоларининг ўз ҳуқуқ ва бурчларини англаш, жамоат ишларида фаол иштирок этиш, давлат ва жамият олдидаги масъулиятини ҳис қилиш салоҳиятидир. Янги Ўзбекистон шароитида фуқаролик онгининг шаклланиши нафақат сиёсий модернизациянинг, балки маънавий тараққиётнинг ҳам марказий масаласи сифатида намоён бўлмоқда.

Жамиятимизнинг янги онг ва тафаккур асосида ривожланиши, энг аввало, фуқароларнинг фаоллиги, масъулияти ва ҳуқуқий онгининг юксалишига боғлиқ. Фуқароларнинг давлат ишларида иштирок этиши, сайлов жараёнларига фаол жалб қилиниши, электрон бошқарув ва оммавий ахборотдаги фаоллиги – фуқаролик онгининг янги шакллари юзага чиқаради.

Фалсафий нуқтаи назардан фуқаролик онги 3 босқичда шаклланади, яъни: 1) беҳабарликдан хабардорликка ўтиш – ахборот билан танишиш жараёни; 2) хабардорликдан муносабатга ўтиш – маълумотга қарата муносабат билдириш (фикр, баҳолаш); 3) муносабатдан фаолликка ўтиш – шахсий ёки жамоавий ҳаракатлар билан иштирок этиш. “Фуқаролик онги шахснинг жамиятдаги воқеликка нисбатан муносабати орқали шаклланади. У ахборот ва танқидий тафаккурга таянадиган фаол онг шаклидир[9]”.

Диалектикада шахс ва жамият ўзаро зид ва бир вақтда уйғун тушунчалар сифатида қаралади. Шахс жамиятнинг бир бўлаги сифатида ундан таъсирланади, шу билан бирга жамият ҳам шахс фаолияти орқали ўзгаради. Бу муносабатда жамият — шахс учун билимлар, қоидалар, маънавий мезонлар, маданият ва ҳуқуқ манбаи бўлса, шахс — жамиятга фаол дахлдор бўлган, ижтимоий муносабатларни англайдиган ва уларни ўзгартириш салоҳиятига эга субъектдир. К.Маркс таъкидлаганидек: “Инсоннинг онги аввало жамиятдаги ҳаётини фаолият жараёнида шаклланади”[10].

Бу борадаги яна бир ижтимоий омил таълим бўлиб, у фақат билим бериш воситаси эмас, балки шахсий ва ижтимоий масъулиятни шакллантирадиган кучли механизмдир. Жон Дьюи таълимни “жамиятни қайта яратиш воситаси” деб таърифлаган. Бу инсонда мустақил фикр, танқидий таҳлил ва фаол фуқароликни шакллантиради. Янги Ўзбекистонда таълим орқали масъулиятли фуқаролик тарбиясига катта эътибор қаратилмоқда. Фалсафада таълим инсоннинг ўзини англаши ва жамиятда ўз ўрнини топишига хизмат қиладиган жараён сифатида қаралади. Жумладан, Платон таълимни «жонни нурга буриш» деб атаган. Бу маънода таълим ижтимоий воқеликни англаш қобилиятини оширади, шахсда танқидий фикрлаш ва масъулият туйғусини ривожлантиради ва энг муҳими – шахсда фаол фуқаролик позициясини шакллантиради

Жон Дьюи таълимни “жамиятни қайта яратиш воситаси” деб бежиз айтмаган, чунки ҳар бир таълим олувчи онгли фуқарога айланса, жамият трансформацияланади. “Шунингдек, бугун камолга етаётган ўғил-қизларимизнинг фаол фуқаролик позициясига эга бўлишига кўмаклашиш мақсадида, медиа маконда ҳарбий-ватанпарварлик тарғиботини замонавий, таъсирчан усулларда олиб боришга эътиборни янада кучайтириш талаб этилади”[11].

Маълумки, таълим ва маълумот шахсни фаол ижтимоий субъектга айлантиради. Ижтимоий масъулиятни ошириш инсон таълим орқали ҳуқуқ ва бурчларини билиб олади, бу онгда жамият олдидаги жавобгарликни шакллантиради. Масалан, фуқаролик таълими орқали инсон “мен овоз бериш орқали қарорларга таъсир қилишим мумкин”, “мен жамоатчилик назоратида иштирок эта оламан” деган онгга эга бўлади. Бундан ташқари шахсий позицияни мустаҳкамлаш эса, маълумот инсонга мафкуравий мустақиллик ва танлов имкониятини беради, билимли инсон «оммавий фикр» орқали эмас, балки шахсий таҳлил ва кадриятларга асосланган қарор қабул қилади. Бу шахсда барқарор фуқаролик позициясининг шаклланишига сабаб бўлади.

Фалсафий жиҳатдан, таълим инсонни “ҳаётда йўл топа оладиган” мустақил субъектга айлантиради. Пауло Фрейре ўзининг “Мазлумлар педагогикаси” асарида таълимни «озод қилувчи амал» деб атаган: “Таълим – бу дунёни ўқиш ва қайта ёзиш амалиётидир”. Бу нуктаи назардан таълим шахсда ахлоқий танлов қобилятини шакллантиради, зулмга, адолатсизликка, коррупцияга қарши фаол позицияни ривожлантиради ҳамда мудофаага эмас, адолат сари йўналтирилган шахс вужудга келади. “Болаликдан онги ва қалби “ҳалоллик вакцинаси” билан эмланган янги авлодни камолга етказиш ҳам устувор вазифаларимиздан бири ҳисобланади. Шу боис биз БМТнинг Коррупцияга қарши таълим ва ёшларнинг имкониятларини кенгайтириш глобал ресурси дастурини Ўзбекистонда кенг жорий этишдан манфаатдормиз”[12].

Янги Ўзбекистон мисолида трансформатив таълимнинг аҳамияти борасида гап кетганда Президент Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек: “Бир сўз билан айтганда, биз таълим-тарбия соҳасини ривожлантиришга бундан буён ҳам устувор аҳамият қаратиб, фарзандларимизни миллий ғурур, Ватанга муҳаббат, умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш учун нимаики зарур бўлса, ҳаммасини амалга оширамиз”[13].

Таълим орқали юзага келадиган трансформациялар 11-жадвал

Трансформация омиллари	Натижаси
Танқидий фикрлаш ва ахлоқий онг	Масъулиятли фуқаро
Ҳуқуқ ва бурчларни билиш	Жамият олдида жавобгарлик

Фаол жамоатчиликка жалб этиш	Шахсий позиция ва фаоллик
Миллий ва глобал қадриятларни англаш	Онгли, универсал фуқаро

Бугунги кунда ҳаётимизга “рақамли маданият” тушунчаси тобора чуқур кириб бормоқда ва бу дегани – интернет, ижтимоий тармоқлар, контент платформалар ва рақамли коммуникация воситалари орқали фикрлаш ва муносабат маданиятини англатади. Унинг ижобий таъсири инсонда фаол фуқаролик онгини шакллантиради (масалан, ижтимоий кампанияларда иштирок, петициялар имзолаш, жамоатчилик назорати) овоз бериш, фикр билдириш, ташаббуслар билан чиқиш имконини яратади ҳамда яширин ёки назардан четда қолган муаммоларни жамоат муҳокамасига олиб чиқади. Масалан, Twitter ва Telegramда фуқаролар томонидан қилинган мурожаатлар давлат ташкилотларининг реакциясига сабаб бўлмоқда. Бу фаол позициянинг ёрқин ифодасидир. Хавфли томонлари эса ахборот манбаларининг нотўғрилиги, фейк контент кўплиги яъни “ўз позицияси” эмас, “ирим-сиримлар” шакллантириши мумкин, онлайн популизм ва “трендда бўлиш” истаги яъни ёлғон позициялар ва ёлғон масъулият ҳиссини пайдо қилади.

Президент Ш. Мирзиёев таъкидлаганидек, оммавий ахборот воситалари – жамиятдаги ҳақиқатни ёритувчи ва фуқароларда масъулиятни оширувчи кучли фаол субъектга айланиши шарт. Бугунги кунда ОАВ ва рақамли платформалар орқали ҳуқуқий, сиёсий, иқтисодий, маънавий мавзуларда хабардорлик ошмоқда. Фуқаролар блогер, журналист, муҳокама иштирокчиси сифатида жамиятдаги воқеаларга таъсир ўтказмоқда. Бу жараёнлар ижтимоий масъулият ва шахсий фаол позицияни кучайтирувчи реал инструментлардир.

ОАВ ва рақамли маданиятнинг ижтимоий онгга таъсири

Таъсир соҳаси	Таъсир натижаси
Ижтимоий масъулият	Шаффофлик, хабардорлик, жавобгарлик муҳити яратади
Шахсий позиция	Фикр билдириш, танлов қилиш, фаолликни оширади
Хавфли омиллар	Фейк ахборот, манипуляция, популистик трендлар
Рақамли фуқаролик	Ижтимоий тармоқлар орқали иштирок, назорат, ташаббуслар

Ижтимоий онгда масъулият ва фаол фуқаролик позициясини ўстириш миллий ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги, институционал муҳит ва ҳуқуқий маданият каби омилларни ҳам тақозо қилади. Фалсафий жиҳатдан қаралганда, жамиятда фаол фуқаролик позициясининг шаклланиши учун онгдаги қадриятлар иерархияси муҳим. Масалан,

адолат, шаффофлик, ватанпарварлик, хурмат, ҳамжихатлик каби қадриятлар фуқаролик онгини бойитади.

Фалсафада қадриятлар — инсон фаолиятини йўналтирувчи ва онгни шакллантирувчи мафкуравий асосдир. Фуқаролик масъулияти ва шахсий позиция инсондаги қадриятлар иерархиясига бевосита боғлиқ. Миллий қадриятлардан ватанпарварлик, оила муқаддаслиги, меҳнатсеварлик, ҳамжихатлик, хурмат, шафқат инсонни жамият олдидаги бурчини англашга ундайди. Умуминсоний қадриятлардан алоҳида, эркинлик, инсонийлик, жавобгарлик, тенглик, мулоқот маданияти Абу Наср Форобий таъкидлаганидек: “Қамолотли жамият фуқаролари ахлоқ, ақл ва қадриятда бирлашган инсонлардир[14]”. Бу омилларнинг Янги Ўзбекистон фалсафий контекстидаги таҳлили борасида айтиш жоизки, биз жаҳон тажрибасини ўрганамиз, лекин миллий қадриятларимизга таянган ҳолда, ўз ривожланиш йўлимизни танлаймиз ва бу ёндашув бизда фуқаролик онгини шакллантиради.

Институционал муҳит ва фуқаролик масъулияти ҳуқуқий қафолатлар, мурожаат қилиш тизимлари, очиқ эшиклар кунлари, давлат грантлари фуқароларда жавобгарлик ва ташаббускорлик ҳиссини уйғотади, жамиятда “менинг овозим эшитилади” деган онг шаклланади. Ю. Хабермас институционал муҳитни “коммуникатив ақл” мезони билан баҳолайди: “Фуқароларнинг шахсий позицияси шунда мустаҳкамланадики, уларнинг фикри институтлар орқали иноватга олинади”[15]. Биз рақамли маданиятни янги фуқаролик фаоллигининг интерактив майдони сифатида кўришимиз мумкин. Рақамли маданият шахс ва жамият ўртасидаги муносабатларни рақамли воситалар орқали шакллантиради. Унинг асосий хусусиятлари демократик иштирок кўринида электрон ҳукумат, электрон мурожаат, “OpenBudget.uz”, “Mening Fikrim” портали орқали фуқаролар ташаббуси ва назорати амалга оширилади. Бундан ташқари шахсий позицияни билдириш майдони сифатида Telegram, Facebook, YouTube орқали шахс ўз фикрини эркин билдириши, жамоатчилик муҳокамасида иштирок этиши мумкин.

Ижтимоий масъулиятни оширишда жамоатчилик назорати, рақамли овоз бериш, онлайн петициялар орқали фуқаролик позицияси фаоллашади. Мануэл Кастелс таъкидлаганидек: “Рақамли тармоқларда ташкиллашган фуқаролар ижтимоий трансформациянинг янги субъектига айланади”[16].

Уйғунлашган тизимда фуқаролик масъулиятининг юксалиши

Таркибий қисм	Таъсир мазмуни	Натижа
Миллий-умуминсоний қадриятлар	Шахсий ахлоқ ва ижтимоий бурч уйғунлиги	Онгли ва виждонли фуқаро

Институционал муҳит	Фаолликни рағбатлантирувчи муҳит	Ташаббускор ва жавобгар шахс
Рақамли маданият	Интерактив иштирок, ахборот шаффофлиги	Эртакор, мулоқотга очик фукаро

Хулоса

Хуллас, Янги Ўзбекистонда фукаролик онги шахсий манфаатдан жамият бурчигача бўлган онг юксалиши, ахборотдан хулоса, хулосадан фаолликка ўтиш жараёни, ҳукукий билим ва маънавий бурч уйғунлиги, миллий ва глобал тафаккур ўртасидаги балансли ёндашув сифатида фалсафий ва амалий жиҳатдан шаклланиб бормоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, жамият ижтимоий онгида масъулият ва фаол фукаролик позициясининг ўсиши Янги Ўзбекистоннинг маънавий пойдеворини янгилайди. Бу жараён экзистенциал эркинлик ва танлов масъулияти, гегельча онг тараққиёти ва жамиятга юзланиш, ижтимоий шартнома фалсафаси, ахборотлашган онг ва танқидий фикрлаш ҳамда миллий стратегиянинг инсонпарвар руҳи асосида кечмоқда. Мазкур жараёнларни фалсафий таҳлил қилиш орқали жамиятдаги онгий юксалишни ва маънавий тараққиётни чуқурроқ тушуниш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси. Т.: “Ўзбекистон”, 2021. – Б. 136
2. Сартр Ж.-П. Экзистенциализм – бу гуманизм. Париж: Nagel, 1946. – Б. 12
3. Гегель Г.В.Ф. Философия духа. М.: Мысль, 1977. – Б. 214
4. Руссо Ж.-Ж. Об общественном договоре. М.: Наука, 1969. – Б. 54
5. Foucault M. Power/Knowledge. Pantheon Books, 1980. – p. 131
6. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон стратегияси, Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – Б.
7. Гегель Г.В.Ф. Философия духа, М.: Мысль, 1977. – Б. 261
8. Сартр Ж.-П. Бытие и ничто, М.: Республика, 2000. – Б. 435
9. Раҳимов И. Жамиятда фукаролик фаоллигини шакллантириш муаммолари, “Фалсафа ва ҳуқуқ” журнали, №3, 2022. – Б. 22
10. Маркс К. ва Энгельс Ф., Таълимотлар тўплами, Т.1, 1961, 42-б.
11. Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон [Матн]. - Тошкент “O‘zbekiston” нашриёти, 2024.-Б. 128
12. Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон [Матн]. - Тошкент “O‘zbekiston” нашриёти, 2024.-Б.455
13. Мирзиёев Ш.М. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон [Матн]. - Тошкент “O‘zbekiston” нашриёти, 2024.-Б. 71

14. Форобий А.Н., “Фозил шаҳар аҳлининг қарашлари”, Тошкент, 1993, 48-бет
15. Habermas J. “The Structural Transformation of the Public Sphere”, 1989, p. 71
16. Castells M. “Networks of Outrage and Hope”, 2012, p. 4